

АНОР ЎСИМЛИГИНИНГ ҲАЛҚ ТАБОБАТИДА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Саминов Ҳусниддин Нўмонжон ўғли

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Назаров Отабек Мамадалиевич

Фарғона давлат университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада анор ўсимлигининг турли қисмларини дунёдаги бир неча давлатлари халқ табобатида турли касалликларни даволашда фойдали хусусиятлари ҳақида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: анор; диарея; дизентерия; гипотензив, антиспазмолитик ва антигельминт фаоллик.

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о полезных свойствах разных частей растения граната при лечении различных заболеваний в народной медицине ряда стран мира.

Ключевые слова: гранат; диарея; дизентерия; гипотензивное, спазмолитическое и антигельминтное действие.

ABSTRACT

The article provides information on the beneficial properties of different parts of the pomegranate plant in the treatment of various diseases in folk medicine in a number of countries around the world.

Key words: pomegranate; diarrhea; dysentery; hypotensive, antispasmodic and anthelmintic action.

КИРИШ

Анор (*Punica granatum* L.) бутаси ёки дарахти *Lythraceae* оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликдир. Бугунги кунда анор дунёнинг аксарият минтақаларида, жумладан ЎртаОсиё, Кавказ, Шимолийва тропик Африка, Эрон, Марказий ва Жанубий Шарқий Осиё ҳамда Ўрта ер денгизи мамалакатларида етиштирилади [1]. Анор иқтисодий жиҳатдан муҳим ўсимлик бўлиб, цивилизация пайдо бўлганидан бери инсоният томонидан ишлатиб келинган.

Турли маданиятлар ва мифологияларда анорнинг кўп қиррали ишлатилишини очиб берадиган жуда кўп далиллар мавжуд. Анорни хом мева сифатида ишлатишдан ташқари, у қадим замонлардан бери шифобахш восита сифатида ишлатилган. Анор Гиппократ, Плиний, Соран ва Диоскоридлар

томонидан қадимги адабиётларда ҳам энг муҳим доривор восита сифатида ўз ўрнини топган. Анор соғлиқ учун фойдали бўлган улкан салоҳияти туфайли "супермаҳсулот" унвонига сазовор бўлган. Бу хусусиятлар шунчалик ажойибки, анорнинг бошқа ўсимликлар билан бирга пребиотик фойдаланиш бўйича яқинда олиб борилган тадқиқотлари анорнинг "ёшлик эликсири" эканлиги ҳақидаги хабарларга олиб келди[2,3]. Фойдали бўлишига қарамай, анор асосан эътибордан четда қолган ва тўлиқ фойдаланилмаган ўсимлик бўлиб қолган. Бироқ, ҳозирда анорнинг шифобахш хусусиятлари жуда кўплаб тадқиқотлар ёрдамида ўрганилмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Анор ўсимлигининг мева, пўстлоғи, уруғи ва барги каби турли қисмлари шифобахш хусусиятлари Ҳиндистон муқобил тиббиёт тизими Аюрведада кенг келтирилган. Ўсимлик кислоталилик ортганда, ловуллаш ҳисси, томоқ ва аёлларнинг репродуктив муаммолари ҳамда бошқа касалликларда самарали эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, у қонни тозалаш, буриштиручи, гемостатик ва диабетга қарши восита сифатида ишлатилади. Ҳинд шифокорлари диспепсияга қарши баъзи дори-дармонларда меваларининг янги шарбатини совитувчи ва музлатувчи аралашмаларининг таркибий қисми сифатида ишлатишади. Шунингдек, улар меванинг пўстлоғи ва гуллари чиннигули, долчин, кориандр, қалампир ва бошқаларни ароматик моддалари билан биргаликда диареяда ичакни буриштирувчи восита сифатида фойдаланадилар. Уруғлари ошқозон, этли қисми эса юрак ва ошқозон касалликларида ишлатилади. Араблар ўсимликнинг энг буриштирувчи қисми сифатида илдиз пўстлоғини тасмасимон чувалчангларга қарши мукаммал ўзига хос хусусияти сифатида тавсия қилинади; 60 грамм янги пўстлоғи ярим литр сувга солиниб ҳажми тўртдан уч қисми қолгунча қайнатилиши натижасида қайнатма олинади. Шу қайнатма совитилгандан сўнг, тўлиқ қолмагунга қадар, ҳар ярим соатда 60 мл дан ичиш мумкин. Бу доза баъзан кўнгилни беҳузур қилади, лекин камдан-кам ҳоллардагина қуртни йўқ қила олмайди ҳамда тез орада ўтиб кетади. Анор қобиғи кўкнори ва ароматик ўсимликлар қаторига кирувчи қалампирмунчоқ билан биргаликда сурункали дизентерия ҳамда диарея учун фойдали дори ҳисобланади. Пўстлоғининг қайнатмаси кейинги сурги хусусиятга эга антигелминт восита сифатида ишлатилди. Таркибида танин борлиги сабабли, пўстлоғи, барглари, пишмаган мевалари ва мева қобиғининг экстрактлари диарея, дизентерия ва қон кетишни тўхтатиш учун

буриштирувчи восита сифатида берилган. Қуритилган ва майдаланган гул куртаклари бронхит учун восита сифатида ишлатилади. Мексикада оғиз бўшлиғи ва томоқ яллиғланишини енгиллаштириш учун гулларининг қайнатмаси чайқалади. Барглари, уруғлари, илдизлари ва пўстлоғи биотажрибаларда гипотензив, антиспазмолитик ва антигелминт фаолликни кўрсатган. Поя ва илдизларнинг қуритилган пўстлоғи узоқ вақтлардан бери антигелминт восита сифатида ишлатиб келинган. Пўстлоғи ва мевалари бошқа препаратлар билан биргаликда илон чақишини ва пўстлоғи чаён чақиши даволаш учун ҳам ишлатилади[4].

Хитой ва Малаяда қуритилган мева пўстлоғи буриштирувчи, айниқса тасмасимон куртлари учун антигелминт восита ҳисобланади.

ХУЛОСА

Жанубий Африка Республикасида истиқомат қилувчи европаликлар мевасининг пўстлоғи ва илдизидан шифобахш восита сифатида фойдаланганлар. Меваларининг қуритилган пўстлоғининг қайнатмаси ошқозон оғриғи ва дизентерия учун ичилади, дамламаси эса йўғон ичак яллиғланишида қўлланилади. Майдаланган мева ва пўстлоғи ҳамда гуруч ундан тайёрланган дамламаси диаррея ва дизентерияда ҳамда антигелминт восита сифатида ишлатилади. Пўстлоғи ва илдизлари дамламаси лейкоррея учун инъекция сифатида ишлатилган. Трансваалда(ЖАР) майдаланган мева пўстлоғи дизентерияни даволаш учун ишлатилади ва унинг қайнатмаси антигелминт сифатида берилди. Илдизнинг қайнатмаси болаларда лентасимон куртларни йўқотиш учун ишлатилади.

REFERENCES

1. Morton, J.F. "Pomegranate, *Punica granatum* L". *Fruits of Warm Climates*. Purdue New Crops Profile. 1987. pp. 352–5.
2. Penalver-Mellado, M., López-Mas, J.A., Streitenberger, S.A., Martínez-Ortiz, P., 2011. Use of plant extracts as prebiotics, compostions and foods containing such extracts. Patent Number: WO2011036316.
3. Cohen, T., 2011. Pomegranate helps fight heart disease, relieves stress and improves sex life – now it's nature's elixir of youth, claims study, Mail online: <http://www.dailymail.co.uk/news/article-2060163/Pomegranate-prevents-heart-disease-improves-sex-life-elixir-youth.html>
4. Medicinal plants in the South Pacific. Manila, World Health Organization Regional Office for the Western Pacific, (1998) (WHO Regional Publications, Western Pacific Series, No. 19).